



ФИСКАЛ СИЁСАТ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Зайниев Фарход Нуриддинович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси.
Тошкент, Ўзбекистон. zfnu@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i8

Аннотация

Мақолада фискал сиёсат орқали аҳоли даромадлари тенгсизлигини камайтириш масалалари кўриб чиқилган. Тадқиқотда аҳоли даромадлар тенгсизлигини камайтиришнинг энг самарали фискал инструментлари бўлган солиқлар ва трансфертлар бўйича таҳлиллар амалга оширилган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: аҳоли даромади, даромадлар тенгсизлиги, фискал сиёсат, солиқлар, солиқ ставкаси, трансфертлар.

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы уменьшения неравенства доходов населения через фискальную политику. В исследовании были проведены анализы и сформулированы соответствующие выводы по налогам и трансфертам, которые считаются самыми эффективными фискальными инструментами уменьшения неравенства доходов населения.

Ключевые слова: доходы населения, неравенство доходов, фискальная политика, налоги, налоговая ставка, трансферты.

Abstract

The article deals with the issues of reducing income inequality of the population through fiscal policy. The study carried out analyzes and formulated relevant conclusions on taxes and transfers, which are considered the most effective fiscal instruments for reducing income inequality.

Keywords: income of the population, income inequality, fiscal policy, taxes, tax rate, transfers.

Кириш

Бугунги кунда аҳоли даромадларини сезиларли даражадаги дифференциялашув муаммоси бозор иқтисодиёти шароитидаги аксарият мамлакатларга хос бўлган долзарб масалалардан ҳисобланади. “World Social Report 2020” ҳисоботидаги маълумотларга кўра, 1990-2016 йиллар даври давомида дунёдаги аҳолининг 71 фоизи яшаётган 49 та мамлакатларда аҳоли даромадларининг тақсимланишдаги тенгсизлик ўсган (World report, 2020). Аҳоли даромадлари бўйича

юқори даражадаги фарқланишни камайтиришда фискал сиёсатни босқичма-босқич амалга оширишни талаб қилинади.

Сўнги ўн йилликларда дунё аҳолиси орасида даромадлар тенгсизлигида камайиш тенденцияси кузатилган. Бу Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатлардаги аҳоли даромадларини ривожланган иқтисодиётлардаги аҳоли даромадлари даражасига яқинлашаётгани билан боғлиқдир. Бироқ, аҳоли даромадларидаги тенгсизлик даражаси мамлакатлар ичида айниқса, ривожланган мамлакатларда ошган. Жаҳон глобал иқтисодиётида энг долзарб муаммосига айланган коронавирус пандемияси сабабли, аҳоли даромадларини кескин камайиши ва ишсизликни ошиши муаммолари ҳукуматларнинг тенгсизликни бартараф этишга қаратилган доир қўшимча фискал чора-тадбирлар кўриши лозим. Халқаро валюта фонди томонидан кўрсатиб ўтилиши бўйича ривожланган мамлакатларда фискал сиёсат аҳоли даромадлар тенгсизлигининг учдан бир қисмини компенсация қилиши мумкин (IMF, 2017). Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатларда солиқлар ва харажатларни пастлиги ва кам прогрессивлиги ҳисобга олинган ҳолда бюджетнинг қайта тақсимланиши кўлами нисбатан анча кичик ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Замонавий илмий тадқиқотларда фискал сиёсат орқали даромадларни нотекис тақсимланишини тартибга солиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Хусусан, Малкина томонидан аҳоли даромадлар тенгсизлигини юмшатиш учун, биринчи навбатда, фискал сиёсат инструментлардан фойдаланиш кераклигини таъкидланган (Малкина, 2016). Шунингдек, Baihui (2017) фикрича, ўтган ўн йилликлар давомида Хитойнинг барқарор ва тез иқтисодий ўсиш нафақат аҳоли жон бошига даромад ўсишига, балки фуқароларнинг айрим тоифалари учун юқори даражадаги даромад тенгсизлигига олиб келган. Солиқлар ва трансфертлар фискал сиёсат инструментлар сифатида аҳоли даромадларини тақсимлашдаги таъсирини эмпирик баҳолаш натижасида биргаликдаги қайта тақсимловчи даромад солиғи ва ижтимоий суғурта бадаллари ижобий таъсир кўрсатиши ва жамиятда даромадларни қайта тақсимлашда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқотлар натижасида даромадлар даражаси паст бўлган мамлакатларда аҳоли даромадлари тенгсизлигини камайтиришда амалиётда прогрессив солиққа тортишнинг фаол қўлланиши аниқланган (Ермакова, 2018). Кормишкина ва Королёвалар (2018) томонидан аҳоли даромадларидаги юқори тенгсизлигини бартараф этишда давлат томонидан фискал сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш учун янада прогрессив ҳолга келтириш мақсадида барча даромадларни солиққа тортиш тизимини трансформациясини амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай қилиб, аҳоли даромадларидаги тенгсизлик даражасини камайтиришда фискал сиёсатнинг асосий инструментларидан бири сифатида барча даромадларни прогрессив солиққа тортиш тизимини кўрсатиб ўтиш мумкин. Фискал сиёсат соҳасида давлат томонидан ижтимоий харажатларга тўғри ёндашув даромадлар тенгсизлигини ва унинг салбий оқибатларини камайтиришда муҳим рол ўйнаши мумкин (www.imf.org). Погорлецкий ва бошқалар (2021) томонидан фискал сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига эътибор қаратган ҳолда давлат харажатларини ошириш фуқароларни камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш ифодаланиши ва аҳолининг энг бой қатламлари даромадларига нисбатан юқорироқ солиқ солиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик муаммосини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжудлигига қарамасдан, аҳоли

даромадларининг табақаланишини тартибга солишда фискал сиёсатининг ролига тўлиқ тизимли баҳо берилмаган ва умумий ёндашувлар мавжуд эмас.

Умуман олганда, бозор иқтисодиётида даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик муқаррар ва ҳатто нормал ҳолат (адолатли) ҳисобланади, агарда у жисмоний ва интеллектуал қобилиятлардаги фарқлар ва шунингдек, индивидлар томонидан қилинган саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлса. Айрим иқтисодчи олимларнинг таъкидлашчи, 10% энг бой аҳолининг даромадларининг 10% энг камбағал аҳолининг даромадларига нисбати (даромадлар коэффиценти) 6-8 баравардан ошмаган ҳолатда тенгсизлик норма (адолатли), ушбу индикаторнинг сезиларли даражада юқори қийматидаги (25 ва ундан юқори) тенгсизлик жуда юқори ёки ортиқча ҳисобланади (Шевяков, 2010; Шевяков ва Кирута, 2009).

Аҳоли даромадларини нормал тенгсизлик даражаси нафақат оптимал нисбатда бўлиши, балки ижтимоий асосланиши лозим. Бу ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий барқарорликка салбий таъсир этмаган ҳолда, иқтисодий ривожланиш учун рағбатлар яратишга хизмат қилади. Аҳоли даромадларидаги ҳаддан ортиқча тенгсизлик даражаси иқтисодий ўсишни секинлаштириши ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид солиши мумкин. Жумладан, тенгсизлик иқтисодий ўсишни секинлаштириши бўйича хулоса жисмоний ва инсон капитали, шунингдек, меҳнат унумдорлиги ва иқтисодиётнинг капитал сиғимига таъсирини изчил ўрганиш билан асосланади. Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш суръатининг 60% меҳнат унумдорлигининг ошишига боғлиқлигини қайд этади. Ўз навбатида, юқори меҳнат унумдорлиги ўсиши иқтисодиётга инвестицияларни ҳажми ва самарасини янада оширади (Сиранюк, 2018).

Юқоридагиларга асосланиб, давлатлар ўртасидаги тенгсизликнинг кучайиши сабаблари меҳнат унумдорлигининг пасайиши ва бунинг натижасида баъзи мамлакатларда инвестицияларни жалб қилиш учун жозибадорликнинг пастлиги, бошқаларида эса бу параметрларнинг юқори бўлишига олиб деган хулосага келишимиз мумкин. Ўз жамғармалари бўлмаса камбағал мамлакатлар фақат ташқаридан инвестиция олишлари мумкин демак, улар учун инвестициялар ташқи инвесторларнинг ўз мамлакатлари иқтисодиётига сармоя киритиш истагига боғлиқ бўлган манбадир.

Шу билан бирга, меҳнат мамлакат иқтисодиётининг ўсишида ички омил ҳисобланади ва бундан келиб чиқадики, камбағал мамлакатлар бошқа ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий тенгсизлик даражасини пасайтириш учун меҳнат унумдорлиги ўсишини рағбатлантирувчи омилларга эътибор қаратишлари лозим бўлади. Барчага маълумки, меҳнат унумдорлиги ўсишининг асосий омиллари мамлакат меҳнат салоҳиятини тавсифловчи омиллар бўлиб ҳисобланади: аҳоли, шу жумладан меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши, ходимларнинг маълумоти ва малакаси даражаси ва бошқалар. Таъкидлаш жоизки, инсон капиталини ривожлантириш назарияси асосчиси Т. Шульц инсон капиталини ҳал қилувчи иқтисодий омил деб ҳисоблаб, иқтисодий ўсиш ва мамлакатда таълим ривожланиш даражаси ўртасидаги бевосита боғлиқликни қайд этган.

Тенгсизлик юқори даражаси баъзи мақбул чегаралардан ўтиб кетиши мумкин, шунинг учун амалга оширилиши лозимтенгсизликни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳар бир жамиятда албатта ўрганиб борилиши ва баҳоланиши лозим. Ижтимоий тенгсизлик даражасининг ошиши жамиятда содир бўлаётган тенг бўлмаган ижтимоий алмашинувлар билан боғлиқ. Рухсат этилган тенгсизлик даражасидан ошиб кетиш жамиятнинг алоҳида мақом гуруҳлари турмуш даражасининг катта фарқига олиб

келади, бу аҳолининг айрим гуруҳларига нисбатан камситиш деб қаралиши мумкин. Бунинг натижаси кўпинча жамиятда ижтимоий кескинликнинг келиб чиқишига олиб келади ва ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши учун қулай замин бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳар бир жамият ижтимоий тенгсизлик даражасини камайтириш учун регуляторлар тизимини ишлаб чиқиши зарур (Караткевич, 2014). Воскобойников (2012) фикрича, ижтимоий тенгсизлик - бу алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, синфлар вертикал ижтимоий иерархиянинг турли даражаларида бўлган ва эҳтиёжларини қондириш учун тенг бўлмаган ҳаёт имкониятлари ва имкониятларига эга бўлган табақаланиш шаклидир.

Умумлаштирилган шаклда тенгсизлик одамларнинг чекланган моддий ва маънавий истеъмол ресурсларига тенг бўлмаган шароитларда яшашини англатади. Перегудов (2011) таъкидлашча, ижтимоий тенгсизлик иқтисодий сабабларга кўра кучаяди, лекин жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида, шу жумладан сиёсатда проекция қилинади ва у фуқароларнинг умумий ишларни ҳал қилишда ва давлат ҳокимияти ресурсларидан фойдаланишда турли даражадаги иштирокида ифодаланган сиёсий жиҳатга эга бўлади¹. Даромадлар тенгсизлигининг нормал ва ҳаддан зиёдга бўлиниши ижтимоий адолат ва адолатсизлик ўртасидаги зиддиятга асосланади, яъни нормал тенгсизлик адолатли, ортиқча тенгсизлик эса адолатсиздир. Ўз навбатида, А. Варшавский (2019) нормал тенгсизликнинг жамият ривожланишига ҳисса қўшишини, аммо ортиқча тенгсизлик меҳнат унумдорлигининг пасайишига, аҳоли саломатлигининг ёмонлашувиغا, иқтисодий ўсишнинг пасайишига, туғилишнинг камайишига ва ўлимнинг кўпайишига олиб келишини таъкидлайди².

Таҳлил ва натижалар


Бугунги кунда дунёда аҳоли даромадларида ортиқча тенгсизлиги мавжудлиги қўйидаги кўрсаткичлар билан боғлиқ: дунёдаги 1% энг бой одамларнинг бойлиги 6.9 миллиард киши даромадидан икки баробар юқори; дунёдаги миллиардерларнинг бойлиги (2,153 киши) 4.6 миллиард кишининг бойлигидан кўпдир; дунё аҳолисининг энг камбағал 40%га жами даромаднинг 25% дан камроғи ва энг бой 10% аҳолига эса жами даромаднинг 20% тўғри келади (Дмитриченко ва бошқалар, 2021). Шу сабабдан бир қатор халқаро илмий ва статистик лойиҳалар дунёда даромадлар тенгсизлиги муаммосига бағишланган, жумладан, БМТнинг нотекис даромад тақсимлаш маълумотлар базаси (United Nations World Income Inequality Database); OECD томонидан шакллантирилган даромад тақсимлаш базаси (OECD Income Distribution Database); Жаҳон банки томонидан тайёрланадиган қашшоқликда яшовчи дунё аҳолисининг статистикаси (World Bank PovcalNet); 2017 йил декабр ойида чоп этилган глобал тенгсизлик ҳақида йиллик ҳисобот (World Inequality Lab, WIL World Inequality Report 2018). Хусусан, World Inequality Labнинг асосий вазифаси дунёда даромад ва бойлик тенгсизлиги ўсиш сабаблари ва оқибатлари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг кўламини кенгайтиришга ёрдам беришдир. Ушбу масалага қизиқишнинг ортиши БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартибидаги ўн еттита мақсаддан бирини, яъни даромадларни мамлакатлар ичида ва мамлакатлар ўртасида тақсимлашда тенгсизликни камайтиришни акс эттиради (unstats.un.org). Муаммони ҳал қилиш учун тегишли фискал сиёсатни амалга ошириш тавсия қилинган. Даромадлар

¹ Перегудов С.П. Национально-государственная идентичность и проблемы консолидации российского государства // Полис. 2011. №3.

² Варшавский, А.Е. Чрезмерное неравенство доходов – проблемы и угрозы для России. Социологические исследования. – 2019. – № 8. – С. 52.

тенгсизлигини юмшатишда фискал сиёсат тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси “фискал сиёсатнинг қайта тақсимловчи самараси” кўрсаткичини расман жорий этган. Мазкур кўрсаткич аҳоли жон бошига солиқлар ва трансфертларгача бўлган даромад учун Жини коэффицентидан ва аҳоли жон бошига солиқлар ва трансфертлардан кейинги даромад учун Жини коэффицентини минус қилган ҳолдаги фарқи сифатида аниқланади.


Солиқлар ва трансфертларгача бўлган даромадлар-уй хўжалигининг фақат бозор ва хусусий манбалардан олган жами даромади ҳисобланади (1-расм).



1-расм Солиқлар ва трансфертларгача бўлган даромадлар структураси

Манба: тадқиқотчи томонидан тузилган

Ўз навбатида, солиқлар ва трансфертлар кейинги даромад тўғридан-тўғри ва билвосита солиқлар минус қилган ҳолда, трансферт ва билвосита субсидиялар (2-расм).



2-расм Солиқлар ва трансфертлардан кейинги даромадлар структураси

Манба: тадқиқотчи томонидан тузилган

ошиши/камайишининг умумий миқдорини ифодалайди. Масалан, фискал сиёсатнинг ижобий "қайта тақсимловчи самараси" шунинг кўрсатадики, фискал сиёсатнинг соф самараси Жини коэффициентини тегишли фискал сиёсатни амалга оширмасдан қандай бўлишига нисбатан камайтиришдир. Фискал сиёсатнинг қайта тақсимловчи самараси таъсирини баҳолаш учун Жини коэффициентларининг солиқлар ва трансфертлардан олдинги даромадлар ва солиқлар ва трансфертлардан кейинги даромадлари учун дунёнинг алоҳида мамлакатлари кўрсаткичлари мисолида кўриб чиқилган (1-жадвал).

1-жадвал

Дунёнинг айрим мамлакатларида фискал сиёсат ва даромадлар тенгсизлиги

Мамлакатлар (йил)	солиқлар ва трансфертлардан олдинги даромадлар учун Жини коэффициенти	солиқлар ва трансфертлардан олдинги даромадлар учун Жини коэффициенти	Фискал сиёсатнинг қайта тақсимловчи самараси
Арманистон (2011)	0.469	0.357	0.112
Боливия (2009)	0.503	0.446	0.057
Бразилия (2009)	0.600	0.434	0.166
Доминик Республикаси (2013)	0.514	0.458	0.056
Эфиопия (2011)	0.322	0.302	0.02
Грузия (2013)	0.507	0.383	0.124
Гватемала (2010)	0.551	0.523	0.028
Индонези (2012)	0.394	0.370	0.024
Иордания (2010)	0.351	0.319	0.032
Мексика (2010)	0.509	0.429	0.08
Перу (2009)	0.503	0.464	0.039
Россия (2010)	0.491	0.323	0.168
Уругвай (2009)	0.527	0.386	0.141

Манба: Дмитриченко ва бошқалар, 2021.

Фискал сиёсатнинг қайта тақсимловчи самараси" кўрсаткичининг ижобий қийматлари мавжуд бўлган мазкур мамлакатларда амалга оширилган фискал сиёсат даромад тенгсизлигини камайишига таъсир қилган деган хулосага келиш мумкин. Шундай қилиб, тегишли фискал сиёсат амалга оширилгандан кейин Жини коэффициентларининг қийматлари сезиларли даражада камайиши бу ижобий "фискал сиёсатнинг қайта тақсимловчи таъсири" мавжудлигини тасдиқлайди. Бундан келиб чиқадики, фискал сиёсат аҳоли даромадлари тенгсизлигини камайтиришда самарали инструмент бўлиб хизмат қилади. Бироқ, иқтисодчи олимларнинг фискал сиёсатнинг қайси инструментлари ва даромадлар тенгсизлигини камайтиришга қандай ҳисса қўшиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари турличадир. Жумладан, томонидан солиқ тизимидаги ислохотларнинг узоқ муддатли истиқболда уй хўжаликлари ўртасида даромад тақсимомига таъсири эмпирик таҳлил натижаларида қуйидагилар аниқланган (Акгун ва бошқалар, 2017):

1. ихтиёридаги даромадларни тақсимлаш шахсий даромад солиғи (айниқса, иш ҳақида даромадига солиқ солиш), экологик солиқлар, мерос солиқлари ва совғаларга боғлиқ;

2. қўшилган қиймат солиғи ёки фойда солиғи ставкаларининг ўзгариши даромадларнинг уй хўжаликлари ўртасида тақсимланишига сезиларли таъсир кўрсатмайди;

3. қўшилган қиймат солиғининг ошиши аҳоли истеъмолига таъсир қилиши мумкин. Хусусан, ҚҚСнинг стандарт ставкасини ошиши кам даромадли уй хўжаликлари истеъмолининг пасайишига олиб келиши мумкин, аммо бой уй хўжаликларининг истеъмолига таъсир қилмайди, бунда фақат уларнинг умумий даромаднинг истеъмол ва жамғармаларга тақсимланишидаги нисбати ўзгаради.

Тадқиқотларнинг нуқтаи назаридан, даромадларни қайта тақсимлашнинг энг муҳим фискал инструментларидан бири, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўлиб, даромад солиғининг даромадлар тенгсизлигига таъсирини таҳлили қўйидагиларни аниқланган: даромад солиғининг қайта тақсимловчи таъсири нафақат солиқ ҳажмига, балки солиққа тортишнинг прогрессивлигига ҳам боғлиқ; даромадлар тенгсизлигини камайтиришнинг янада самарали воситаси прогрессив солиққа тортиш шкаласининг юқори маржинал ставкасини ошириш эмас, балки ушбу ставка қўлланила бошлаган даромаднинг чегаравий қийматини пасайтиришдир.

Buchanan ва Musgravelарнинг (1999) таъкидлашича, адолатли солиққа тортиш талаблари прогрессив даромад солиғи билан энг мос келади, чунки солиққа тортишнинг мутаносиб шкаласи аҳоли даромадларининг табақаланишини камайтиришга ёрдам бермайди. Прогрессив солиқ ставкаларини ягона солиқ ставкаси билан алмаштириш даромадлар тенгсизлигининг янада ошишига олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, уни юқори даражада белгилаш мумкин эмас, чунки у минимал ва максимал даромадларга нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, аҳоли даромад тенгсизлигини ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун прогрессив даромад солиғи тизими самаралироқ эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, прогрессив солиққа тортишнинг ўзи ижтимоий адолат ва индивидуал эркинлик ўртасидаги идеал келишувдир (Пикетти, 2015). Экологик солиқлар аҳоли даромадларининг фарқланиш даражасига зиддиятли таъсир кўрсатади. Бир томондан, улар унинг ўсишига олиб келиши мумкин: даромадларни қўшимча экологик солиққа тортиш ифлослантирувчи тармоқларда, масалан транспорт соҳасида иш ҳақи даражасини камайтиришга олиб келади. Бошқа томондан, Экологик солиқларни оширишни ўз ичига олган ва кам даромадли уй хўжаликлари учун солиқ юкини камайтиришни таъминлайдиган ислохотларнинг бир қисми бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш даромадлар тенгсизлигини камайтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, мерос ва совғаларни солиққа тортишнинг ўсишини таъминлайдиган солиқ ислохотлари ўртача даромадлар даражасини ошириши ва даромадлар тенгсизлигини камайтириши мумкин (Дмитриченко ва бошқалар, 2021). Жумладан, OECD мамлакатлари бўйича солиқлар ва трансфертларнинг даромадлар тенгсизлигини юмшатишга таъсири баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқот объекти сифатида хўжаликларининг бозор ва ихтиёридаги даромадлари олинган.

Жини индекси ёрдамида 2000 йиллар охирига келиб OECD мамлакатларида ихтиёридаги даромадни тақсимлашдаги тенгсизлик бозор даромадларини тақсимлашдаги тенгсизликдан деярли 25% паст эканлиги аниқланган. Бу барча OECD мамлакатларида фискал сиёсатнинг солиқлар ва трансфертлар каби инструментлари даромадлар тенгсизлигини камайтиришга ҳисса қўшишини англатади. Бироқ мамлакатларда солиқ тўлангандан кейинги даромадлар ва трансфертларни ҳисобга олганда тебранишлар кескин фарқ қилган, масалан, Словенияда 0,25 дан 0,5 гача Чилида. Бунда пул трансферетларни (пенсиялар, ишсизлик нафақалари ва болалар нафақалари) хиссаси $\frac{3}{4}$, солиқлар ҳиссаси фақат $\frac{1}{3}$ ташкил қилган (www.oecd.org). Солиқларнинг "қайта тақсимловчи самараси" ҳар доим ҳам умумий солиқларнинг ЯИМдаги улуши билан ўлчанадиган солиқ тушумларининг миқдорига боғлиқ эмас.

Шундай қилиб, солиқ ставкалари юқори даражада бўлган бир қатор OECD давлатлари (Австрия, Дания, Швеция) солиқ тизимининг аҳамиятсиз прогрессивлиги билан ажралиб туради. Бунинг сабаби шундаки, биринчи навбатда, солиқ тушумларининг таркиби шахсий даромадларга прогрессив солиқлар эмас, балки истеъмол ва ижтимоий суғурта бадалларига солиқлар билан боғлиқ. Иккинчидан, солиқ тизимининг прогрессивлиги солиқ имтиёзлари туфайли заифлашади, бу кўп ҳолларда юқори даромадли гуруҳларга берилади. Фискал сиёсат воситаларидан фойдаланган ҳолда даромадларни қайта тақсимлаш давлат сиёсатининг самарадорлигидаги фарқларнинг сабаблари 2017 йилд OECD мамлакатлари бўйича тадқиқотда кўриб чиқилган. Ушбу тақиқотда ҳам OECD мамлакатларида даромадлар тенгсизлигига солиқ ва пул ўтказмаларининг жами таъсирини аниқлашга бағишланган. Даромадларни қайта тақсимлаш самараси давлатнинг мавжуд бюджет ресурсларига ҳамда уларни сарфлаш йўналишларига боғлиқдир.

Causa ва Hermansenлар (2017) томонидан сўнгги йигирма йил ичида OECD мамлакатларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг даромадларини қайта тақсимлашга комплекс баҳо берилган. Хусусан, даромадларни қайта тақсимлаш шахсий даромад солиғи, ижтимоий суғурта бадаллари ва нақд трансфертлари ёрдамида амалга ошириладиган жараён сифатида даромадлар тенгсизлиги нисбий пасайтиради. Шахсий даромад солиғи ва ижтимоий суғурта бадаллари меҳнатга лаёқатли аҳоли даромадларини тақсимлашдаги тенгсизликни тахминан $\frac{1}{4}$ га камайтиради. Шахсий даромад солиғи даромадларни қайта тақсимлаш кучлари нисбатан заиф бўлган мамлакатларда даромадлар тенгсизлигини камайтиришга кучлироқ таъсир қилади (масалан, Япония, Жанубий Корея, Исроил ва АҚШ). Пул трансфертлари даромадни қайта тақсимлаш катта таъсир (аҳолининг даромадлари бўйича табақаланиш даражасини $\frac{3}{4}$ га камайтириш) кўрсатади.

Даромадлар тенгсизлиги ҳақидаги масалалар илмий ҳамжамият доирасидан ташқарига чиқиб халқаро ташкилотлар (БМТ, ХВФ, ЖБ ва бошқалар) ва дунёдаги мамлакатларнинг ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммога айланди. Фискал сиёсатнинг қайта тақсимловчи самарасини баҳолаш асосида дунёнинг турли мамлакатларида тегишли фискал сиёсат амалга оширилгандан сўнг даромадлар тенгсизлиги даражаси сезиларли даражада камайганлиги аниқланган.

Хулоса

Анъанага кўра, фискал сиёсат механизмлари биринчи навбатда тенгсизликни бошқариш учун қўлланилади. Бир томондан, солиқ сиёсатининг механизми. бошқа

томондан, тенгсизликни юмшатиш учун ҳам давлат харажатлари бўлган усуллар, трансфертлар, айрим фаолият турларини молиялаштириш ва учинчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий имтиёзлар қўлланилади.

Аҳоли даромадлари бўйича юқори даражадаги фарқланишни камайтиришда фискал сиёсатни босқичма-босқич амалга оширишни талаб қилинади. Сўнги ўн йилликларда дунё аҳолиси орасида даромадлар тенгсизлигида камайиш тенденцияси кузатилган.

Солиқлар ва трансфертлар фискал сиёсат инструментлар сифатида аҳоли даромадларини тақсимлашдаги таъсирини эмпирик баҳолаш натижасида биргаликдаги қайта тақсимловчи даромад солиғи ва ижтимоий суғурта бадаллари ижобий таъсир кўрсатиши ва жамиятда даромадларни қайта тақсимлашда фойдаланиш мумкин.

Солиқ тўлангунгача даромад бўйича Жини коэффицентининг солиқ тўлангандан кейинги Жини коэффицентидан юқори бўлиши, бу “фискал сиёсатнинг қайта тақсимловчи таъсири”ни ижобийлигини яъни аҳоли даромадларининг тенгсизлиги даражасини пасайганлигини кўрсатади. Даромадлар тенгсизлигини камайтиришнинг энг самарали фискал инструментлари бўлиб солиқлар (прогрессив даромад солиғи, мерос ва хадяга солиқлар; экологик солиқлар) ва трансфертлар ҳисобланади. Шу билан бирга, трансфертлар одатда солиқлардан кўра кўпроқ “қайта тақсимловчи таъсир”ни (трансфертлар аҳоли даромадлари бўйича дифференциялашув даражасини 3/4 га камайтиради) таъминлайди. Ўз навбатида, даромадларни солиққа тортишнинг прогрессив тизими ижтимоий адолат тамойилига кўпроқ даражада мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. World social report 2020 inequality in a rapidly changing world URL: <https://www.un.org/development/desa/dsp>.
2. <https://www.imf.org/external/russian/np/blog/2017/101117r.pdf>.
3. Малкина М.Ю. 2016. Институциональные основы неравенства доходов в современной экономике. Журнал институциональных исследований. № 1 (8). С. 115.
4. Baihui Liu. 2017. REDISTRIBUTIVE EFFECT OF TAXES AND TRANSFERS: EVIDENCE FROM CHINA. Journal of Tax Reform, vol. 3, no. 1, pp. 49–50.
5. Ермакова, Э.Р. 2018. Обобщение опыта зарубежных стран в области перераспределительной политики. Финансы и кредит. № 7 (775).–С. 1533-1546.
6. Кормишкина, Л.А., Королёва Л.П. 2018. К вопросу о пределах неравенства доходов и эффективности перераспределительной политики российского государства. Национальные интересы: приоритеты и безопасность. № 10 (367).–С. 1872-1889.
7. <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2020/01/07/blog-reduce-inequality-to-create-opportunity>.
8. Погорлецкий, А.И., Покровская Н.В. 2021. Сравнительный анализ мер фискального регулирования стран G20 в эпоху коронакризиса и в посткоронавирусной перспективе. Journal of Applied Economic Research. № 1 (20).– С.43–44.

9. Шевяков А.Ю. 2010. Социальное неравенство: тормоз экономического и демографического роста. Уровень жизни населения регионов России. № 5. – С. 38-52.
10. Шевяков, А.Ю., Кирута А.Я. 2009. Неравенство, экономический рост и демография: неисследованные взаимосвязи. – М.: М-Студио,192 с.
11. Сиранюк Е. С. 2018. Неравенство замедляет экономический рост. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_35134836_56686074.pdf.
12. Караткевич А.Г. 2014. Социальное неравенство как угроза политической стабильности и безопасности общества. <https://www.elibrary.ru>.
13. Воскобойников А. Э. 2012. Солидарное противостояние насилию и агрессивности. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=19001048>.
14. Варшавский А.Е. 2019. Чрезмерное неравенство доходов – проблемы и угрозы для России. Социологические исследования. № 8. – С. 52.
15. Дмитриченко Л.И., Карпучно И.А., Гучмазова Д.А. 2021. Фискальная политика государства в регулировании доходов населения. Вестник института экономических исследований. № 2(22). С. 156.
16. https://unstats.un.org/sdgs/report/2020/The-Sustainable-Development-Goals-Report-2020_Russian.pdf.
17. Akgun Oguzhan & Boris Cournède & Jean-Marc Fournier, 2017. "The effects of the tax mix on inequality and growth," OECD Economics Department Working Papers 1447, OECD Publishing.
18. Buchanan, J.M. Musgrave R.A. 1999. Public finance and public choice: Two contrasting visions of the state. Cambridge, Mass.: MIT Press. –282 p.
19. Пикетти Т. 2015. Капитал в XXI веке / Пер. с фр. А. А. Дунаев, науч. ред. пер. А.Ю. Володин. – М.: Ад Маргинем Пресс. – 592 с.
20. <https://www.oecd.org/economy/publicfinance/49417295.pdf>.
21. Causa O., Hermansen M. 2017. Income redistribution through taxes and transfers across OECD countries. OECD Economics Department Working Papers, – 91 p.